

**Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги
Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш
жамғармаси раҳбарларининг фуқароларга
МУРОЖААТИ**

Ҳурматли юртодшлар !!!

Бугунги кунда Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси томонидан коррупцияга қарши курашиш, унга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали хизматларини кўрсатишда инсон омилини камайтириш чоралари кўрилмоқда.

Жамғармада коррупцияга қарши курашиш бўйича алоҳида мустақил ички назорат тузилмаси ташкил этилди. Ушбу тузилма ҳар қандай ноқонуний ҳатти-ҳаракатларни ўз вақтида ўрганиб, Жамғарма ваколати доирасида тегишли қонуний чораларни кўришни ўз олдига вазифа қилиб олган.

Сизнинг ўз вақтида қилган мурожаатингиз Жамғарма фаолияти бўйича юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда ҳодиса ва ноқонуний коррупцион ҳатти-ҳаракатларни олдини олишга, мавжуд муаммоларни бартараф этилишига хизмат қилиши мумкин.

Шу боис, жамоатчилик билан бевосита мулоқот ўрнатиш мақсадида бир қатор алоқа каналлари яратилиб, ишга туширилган.

Жумладан, коррупция ҳақидаги маълумотларни қуйидаги алоқа каналлари орқали Жамғарма раҳбариятига тақдим этишингиз мумкин:

Rasmiy veb-saytdagi aloqa kanali: <http://www.ictfund.uz/uz/lists/view/10>

Rasmiy elektron pochta: fond@mitc.uz

Ishonch telefoni: (99871) 239-37-87